Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
10 сентябрь
ШАНБА

№ 72
(12.396)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИДА ЯНГИ СИФАТ МЕЗОНЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пахтачиликни тубдан такомиллаштириш, янги ғўза навларини яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида деҳқонларимиз етиштирган қимматбаҳо саноат хом ашёсининг жаҳон бозоридаги қадри тобора ошмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топаётир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга ёндашув бутунлай ўзгарди. Тармоқдаги ютуқлар ҳосил сифати ва деҳқонларимиз олаётган соф фойда салмоғига қараб аниқланмоқда. Даромаднинг юқори бўлиши кўп жиҳатдан ғўза навига боғлиқ. Хусусан, селекция ютуқлари самарасида пахтадан тола чиқиши 26-31 фоиздан 40 фоизга, тола узунлиги 20-28 миллиметрдан 35 миллиметрга етди. Бир кўсакдаги пахта вазни 5 граммдан 8-10 граммгача ошди.

Юртимиз дунёдаги пахта етиштирадиган давлатлар орасида энг шимолий минтақада жойлашгани боис бугун тезпишар навларни яратиш ва етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар хориж мамлакатларида яратилган энг эртапишар нав 150-160 кунлик бўлса, юртимизда тезпишар навлар етилиши учун 110-125 кун керак, холос.

Олимларимиз касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил, тезпишар ва юқори сифатли тола берадиган ғўза навларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозир юртимиз далаларида парваришланаётган "С-6524", "Бухоро-6", "Наманган-77", "Омад", "Бухоро-102", "Андижон-35" каби навлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан сўнгги йилларда ғўзанинг ўрта ва ингичка толали 33 хил нави яратилди. Навларнинг иқтисодий самарадорлиги 2006-2009 йилларда қарийб 395 миллиард сўмни ташкил этди.

Айни вақтда институт олимлари томонидан "Истиқлол-14", "Шодиёна", "Сурхон-102", "Шабада-275", "Султон" сингари иқлим шароитимизга мос, тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизлик ва гармселга чидамли қатор янги навлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Жорий йилда "Бўрон", "Чарос-1", "Гулистон", "С-2522" каби янги навлар яратилди. Уларнинг ҳам микронайнер кўрсаткичлари юқори бўлиб, жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.

Буларнинг барчаси анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчилари сони ортиб, жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг харидоргирлиги янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Бекобод шаҳрининг Истиқбол кўчасида бунёд этилган "Металлурглар хиёбони" бекободликлар учун ажойиб туҳфа бўлди.

МЕТАЛЛУРГЛАР ХИЁБОНИ

Тиббий соғломлаштириш қисми билан металлурглар маданият саройи оралиғидаги эни 50 метр, узунлиги ярим чақиримга чўзилган дарахтзор ораси узоқ йиллар давомида кўримсиз қиёфага келиб қолган эди. Металлурглар уни сўлим ва обод, замонавий хиёбонга айлантирдилар.

Йўлаклар асфальтланиб, плиталар ётқизилди. Улар оралиғидаги ерларга унумдор тупроқ келтирилиб, майсазор яратилди. Суғориш учун қувурлар ётқизилди, кичкина фавворачалар бунёд этилди. Ёритиш мосламалари, баннерлар, ўриндиқ ва айвончалар, олтита дўкон қурилди. Хиёбоннинг икки четидаги уйлар оқланди. "Металлурглар хиёбони" катта-кичик аҳоли ҳордиқ чиқарадиган сўлим гўшага айланди. Уни бунёд этишда "Ўзметкомбинат"нинг электрда пўлат эритиш, 1- ва 2-навли прокат, мартен, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ишчилари фаоллик кўрсатишди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

«НАВРЎЗ»ГА МАРҲАМАТ

Паркент тумани марказида янги "Наврўз" мажмуаси ишга туширилди.

Унда салкам 500 кишилик тўйхона, озиқ-овқат дўкони, новвойхона, гўзаллик салони ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бор. Тадбиркор Жасур Эргашхўжаев саъй-ҳаракатлари билан иш бошлаган мажмуа Паркент аҳолисига байрам туҳфаси бўлди.

Мақсуда НОРБОЕВА.

БУГУННИНГ ГАПИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва хавфсизлигини ошириш йўлида янги муҳим қадам бўлди.

ХАВФСИЗЛИК БОРАСИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Ўртачирчиқ тумани Қумовул қишлоғидаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган семинарда шу қарорнинг ижросини таъминлаш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. Унда бошқарма, ташкилот ва корхона раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Семинар иштирокчилари тегишли меъёрий ҳужжатлар, қарор ижросини таъминлаш борасидаги ишлар билан таништирилди. Йўналишсиз такси тўхташ жойларини жиҳозлаш тартиблари ва талаблари, улардан фойдаланиш қоидалари иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган автотранспорт воситалари эгаларига нисбатан қўлланиладиган чоралар, уларни назорат қилишни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.

БАНДЛИК МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг Халқ депутатлари вилоят кенгаши билан биргаликдаги қўшма сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Вилоятда 2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилишини Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Тегишли бошқармалар ва банк муассасалари раҳбарларининг ҳисобот маърузалари тингланди.

Йиғилиш тегишли қарор қабул қилди.

(Йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетанинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

Вилоят ҳаёти

БЎКА ТУМАНИ

ТАДБИР ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан "Янгиобод" маҳалласида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир доирасида танлов ҳам уюштирилди.

Танловда иштирокчилар "Энг сариштa хонадон", "Энг намунали оила", "Энг ибратли қайнона", "Энг обод кўча" номини олиш учун беллашдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ирода МАҚСУД қизи.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ТЕНГДОШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шаҳардаги болалар хиёбонида "Мустақиллик тенгдошлари" деб номланган тадбир ўтказилди.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ташкил этган тадбирда мустақиллик тенгдошлари бўлган ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этиб, шеърий ва бадиий чиқишлари ва дил сўзлари орқали Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини ифода этдилар.

Мусиқий чиқишлар ва "ТОМОША" болалар гуруҳининг гўзал қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Зилола ТОЖИЕВА.

«ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг "Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш" халқаро ҳамкорлик дастури билан биргаликда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий "Кайдзен" ("Тежамкор ишлаб чиқариш") усулларини жорий этиш дастурининг навбатдаги босқичини бошлади. Ушбу дастур "UZTEX Тошкент" Ўзбекистон-Британия-Швейцария корхонаси негизида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш, рақобатбардошлигини ошириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати, иш унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш самарадорлигини яхшилаш мақсадида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодиётимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу дастурнинг ўтган қарийб икки йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз саноат корхоналарининг юз нафардан ортиқ вакиллари иштирокида назарий семинарлар ташкил этилди, 6 корхонада тежамкор ишлаб чиқариш принциплари жорий қилинди, шунингдек, мазкур тизим бўйича хизмат кўрсатадиган маҳаллий маслаҳатчилар тайёрланди. Жорий йилнинг сентябрь ойидан 2012 йил май ойига қадар мазкур дастур доирасида 12 нафар бизнес-маслаҳатчи ўқитилади, мамлакатимиздаги бешта корхонада тежамкор ишлаб чиқариш тизими жорий қилинади.

ЎзА.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ДОНА СУРМОҚДА

Тошкент вилоятида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Ўғил болалар ва қизлар мусобақасида 14 нафардан энг кучли ёш шахматчи дона сурмоқда.

Қоидага кўра, улар бир даврали тизимда бир-бири билан ўзаро куч синашади.

Қизлар мусобақасида учинчи турга келиб очко йўқотмаган шахматчи қолмади. Дастлабки икки учрашувда кетма-кет ғалаба қозонган Гулруҳбегим Тоҳиржонова учинчи турда Полина Вербова билан дуранг ўйнаб, икки ярим очко тўплади. Учинчи турда Моҳинур Қаҳрамонова Маржона Афолаянни, Шаҳноза Турсунова Мафтуна Рустамовани, Сарвиноз Қурбонбоева Баҳора Абдусатторовани енгиб, очколар ҳисобида Гулруҳбегимга етиб олди.

Қолган учрашувларда Елена Вербова Райҳон Дониёровадан, Меҳрибон Жалилова Фарида Хурсановадан, Мафтуна Маматқулова Жаннат Собировадан устун келди.

Ўғил болалар ўртасида учинчи тур якунига кўра, Мақсад Сапаев биринчи ўринга кўтарилди. Дастлабки икки турда биттадан ғалаба ва дурангга эришган истеъдодли шахматчи бу гал Қосим Алиевни мағлубиятга учратиб, икки ярим очко жамғарди. Шунингдек, чемпионатнинг энг ёш иштирокчиси Ортиқ Неъматов ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда. 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритган Ортиқ ўзидан катта шахматчилар билан ҳам тенг-тенг рақобатлашмоқда. Учинчи турда Сардор Исроиловдан устун келган О.Неъматов икки очко жамғариб, пешқадамлар сафига қўшилди.

Қолган учрашувларда Алишер Бекмуродов Бобур Сатторовни, Алихон Гусейнов Иззатулла Султоновни, Никита Хорошев Элбек Алиқуловни мағлубиятга учратган бўлса, ФИДЕ устаси Талгат Губайдулин ва Улуғбек Тиллаев, Роман Голубев ҳамда Элбек Жуманов ўртасидаги партияларда дуранг натижа қайд этилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади

Буюк истиқлолимизнинг ҳар бир йили халқимиз ҳаётида улкан ютуқлар билан муҳрланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида яққол кўрмоқдамиз. Бунинг замирида шубҳасиз, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнати, самарали хизматлари мужассамдир.

Устозларни улуғлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, истиқболи, фаровонлиги, маънавий юксалиши, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олиши билимли, юқори интеллектуал салоҳиятли, қалби ва онгига эзгу фазилатларни жо этган ёшларга боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши айни эзгу мақсадларни кўзлаши билан бирга Ватанимизнинг маърифий тизими ривожида янги босқични бошлаб берди.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани мазкур йўналишдаги ишлар моҳияти ва аҳамиятини янада оширади. Ўқитувчиларнинг касб байрами арафасида ёшларни она юртга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган, таълим тизимида самарали ва ҳалол меҳнат қилаётган илғор педагоглар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши ҳам бунинг амалдаги ёрқин тасдиғидир.

Юртимизда "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонларига сазовор бўлган, Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган ўқитувчилар safи йилдан-йилга кенгаймоқда. Уларнинг илғор иш тажрибаси, самарали ўқитиш услуби бутун таълим муассасаларида жорий этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши айни эзгу мақсадларни кўзлаши билан бирга Ватанимизнинг маърифий тизими ривожида янги босқични бошлаб берди.

Юртимизда ўқитувчилар меҳнатини эъзозлашга доир кенг кўламли ибратли ишлар ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ҳужжатга мувофиқ тизимдаги ўқитувчилар, педагог-муҳандислар ва ишлаб чиқариш таълими устаси меҳнатини рағбатлантириш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшгани, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмаси ва билимини ривожлантиргани, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун ойлик устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, юқори салоҳиятли педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга кўра ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш, "доцент" ва "профессор" илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга кўшган ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизими жорий этилди.

Буларнинг барчаси юртимиз келажаги бўлган навқирон авлод вакилларига таълим-тарбия бераётган жонкуяр, меҳридарё ўқитувчилар ва мураббийларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ЯНГИ «CHEVROLET CAPTIVA» ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз автомобилсозлари Ватанимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға ҳозирладилар. Тошкентдаги Турин политехника университетида 6 сентябрь куни "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган "Chevrolet Captiva" автомобилининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар, "General Motors" компанияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солиниши халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг катта ютуқларидан бири бўлгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда юртимизда автомобилсозлик иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибида қарийб 40 компания, шу жумладан Жанубий Корея, Туркия, Италия, Германия, Голландия, АҚШ каби давлатлар капитали ва технологияси иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда. Автомобилсозларимиз фаолияти асосан енгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Соҳа корхоналарида 16 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Асака автомобиль заводида замонавий стандартларга жавоб берадиган, қулай, хавфсиз, ишончли ва тежамкор енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада дастлаб "Damas", "Tico", "Nexia" автомобиллари ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик "Matiz", "Epica", "Captiva", "Lacetti" автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2010 йилнинг август ойида "Spark" автомобили жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон автомобиллари нафақат юртимиз, балки хориж бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб, бошқа мамлакатларда харидорлар ишончини қозонмоқда. Автомобилсозларимиз истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, янгиланган "Chevrolet Captiva" автомобилини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ушбу янги русум ўзига хос дизайни, юксак даражадаги ускуналардан фойдаланилгани, янги двигатель ва узатмалари билан ажралиб туради. Автомобилнинг олд томони кўриниши ҳам ўзгарган – "Chevrolet Captiva" янги асосий ёритгичлар туркумига эга бўлди, бампери ва унда уйғунлашган туманга қарши чироқларининг шакли ўзгартирилган. Автомобиль ички ва ташқи кўриниши ҳамоҳанг бўлиши учун энг кичик деталларга қадар эътибор қаратилган.

Ҳайдовчи ва йўловчилар қулай ва бемалол жойлашиши учун янги "Captiva"нинг салони кенг ва шинам ишланган. Орқа томондаги иккинчи ва учинчи қатор ўриндиқларни йиғиш имконияти яратилгани туфайли етти кишини сиғдира оладиган "Captiva" юк таший оладиган уловга айланиши ҳам мумкин. Автомобилда парктроник, CD/MP3-плеер, Bluetooth, сенсор экранли навигатор, авария стоп-сигнали мавжуд, бошқарув чамбарагига ҳарорат назорати пульти ўрнатилган. Пассив хавфсизлик тизими таркибида олтита хавфсизлик ёстиқчаси мавжудлиги ҳайдовчи ва салоннинг барча қисмидаги йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

"Captiva"нинг олдинги моделига 5 босқичли автомат узатма ва 3,2 литр ҳажмдаги 230 от кучига эга двигатель ўрнатилган бўлса, янгиланган русум 6 босқичли автомат узатма, 3 литр ҳажмли 258 от кучи қувватига эга двигатель билан жиҳозланган. Янги автомат узатмалари автомобилнинг техник таснифи ва тежамкорлигини янада ошириш имконини беради.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб сотувга қўйиладиган "Chevrolet Captiva" юртдошларимизнинг яна бир севимли автомобилига айланишига шубҳа йўқ.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ХАЙРИЯ ЗИЁРАТИ

Кам таъминланган кишиларга кўмак беришдек халқимизга хос фазилат истиқлол йилларида миллий қадрият сифатида ҳаётимиздан янада муқим ўрин олди. Ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронлар учун ташкил этилган тадбир бунинг яққол далилидир.

Иштирокчилар Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоғидаги вилоят Маънавият ва маърифат маркази, Тошкент шаҳридаги Хасти Имом мажмуасини зиёрат қилиб, "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг тантаналар залига тўпланишди. Тадбир вилоят ҳокимлиги билан "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов йиғилганларни мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ байрами билан табриклаб, барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади.

Йиғилганларга совға-саломлар улашилди.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

МАБОДО КЎНГИЛ АЙНИСА...

Айни кунларда ҳаво ҳароратининг юқорилиги, мева ва сабзавотларнинг кўпайиши туфайли аҳоли ўртасида ўта хавфли ўткир ошқозон-ичак касалликлари тез-тез учраб турибди.

Жуда оғир ва тез тарқалувчи бу касаллик, тўхтовсиз бош оғриғи, кўнгил айниб, қайт қилиш, тез-тез ич кетиши билан кечади. Бу касалликка чалинган киши кўп суюқлик йўқотади. Иштаҳаси бўлмай, дармони қурийди. Баъзан эса тутқаноқ тутиши ҳам мумкин. Шунинг учун ариқ, ҳовуз, қудуқ сувларини қайнатмай ичиш мумкин эмас, акс ҳолда ўткир ошқозон-ичак касалликлари тез тарқалади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари одамларга ювилмаган мева-сабзавот, кўкатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви ҳамда мулоқот пайти оғиз орқали юқади. Шунингдек, касаллик қўзғатувчилар билан ифлосланган очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш орқали ҳам ичак касалликларини юқтириб олиш мумкин.

Беморларга ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ичак фаолиятининг бузилиши, ундаги яралардан қон кетиши, деворларининг тешилиши ва бошқа бир қатор асоратлар қолиши мумкин. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан сўнг қўлларни совунлаб ювиш, тирноқларни вақтида олиш, шахсий сочиқдан фойдаланиш каби гигиена қоидаларига риоя қилиш ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, деҳқон бозорлари, кўчаларда қўлда тайёрланган шарбатлар, айрон ва бошқа ичимликларни, айниқса, очиқ сувларни истеъмол қилиш тақиқланади. Бундан ташқари, хонадон ва ҳовлиларни доимо озода тутиш, овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан олдин қўлларни доимо совунлаб ювиш, сув ва сутни фақат қайнатиб ичиш, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачалар, усти берк, қопқоқли идишларда сақлаш, хонадонларда, иш жойларида пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик, болаларнинг тирноқларини ўз вақтида олиш, қўлларини тоза тутишга ўргатиш лозим. Мабодо кўнгил айниб, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, ич кетиши кузатилса, тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этиш керак бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган маслаҳатларга амал қилиш ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишдаги ишончли тадбирлар эканлигини ҳар бир фуқаро яхши тушуниб олса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Умрбек МИРЗАЕВ, вилоят ДСЭНМ олий тоифали врач эпидемиологи.

ХОРИЖЛИК ШИФОКОРЛАР ТОШКЕНТДА

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ҳамда "Salus vita" тиббий-соғломлаштириш диагностика маркази ҳамкорлигида "Оила саломатлиги" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган хайрия акциясида юрак хасталиги эҳтимоли бўлган ҳамда кардиожарроҳлик йўли билан даволанган болалар ўзбекистонлик ва россиялик кардиожарроҳларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўригидан ўтказилмоқда. Уларга тиббий муолажалар, зарур тавсиялар тайинланмоқда.

ЎзА.

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясида "Энг намунали авиаходим" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

ЭНГ НАМУНАЛИ АВИАХОДИМ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган танлов иштирокчилари "Танишув", "Она юрт тарихи, миллий қадриятлар ва урф-одатларни акс эттирувчи театрлаштирилган саҳна кўриниши", "Ҳам ҳазил, ҳам чин", "Авиакомпания рекламаси", "Шуҳрат дақиқаси" шартлари бўйича ўзаро беллашишди.

Танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси таркибий қисмларидаги бошланғич ташкилотларида меҳнат қилаётган 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилиб, улар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараши, эстетик диди ва кийиниш маданияти ҳамда ўз соҳаси бўйича билим даражасига қараб баҳоланади.

Биринчи шарт бўйича иштирокчилар ўз ташкилоти, унинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини саҳна кўринишида орқали намоён этишган бўлса, иккинчи шартда юртимиз тарихи, миллий урф-одат ва қадриятларимизни театрлашган саҳна кўринишида ифодалашди. "Ҳам ҳазил, ҳам чин" шартида эса миллий авиакомпаниянинг жойлардаги бўлинмаларида мавжуд муаммоларни ҳазил-мутойиба орқали кўрсатиб беришди. "Авиакомпания рекламаси" шартида иштирокчилар пиармен сифатида, ўз ташкилотлари имижини шакллантириш, унинг нуфузини ошириш борасидаги салоҳиятларини кўрсатишди. "Шуҳрат дақиқаси"да улар адабиёт, санъат, мусиқа ва миллий ҳунармандчилик борасида ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш қилишди.

"Туркистон-пресс".

«SAVE THE CHILDREN» ИШОНЧЛИ ҲОМИЙ

"Оналар ва болалар саломатлиги" лойиҳасини амалга ошириш бўйича Жанубий Кореянинг "Save the children" ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро келишув ҳақидаги меморандум доирасида Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги муассасаларга мунтазам ҳамкорлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами муносабати билан ушбу нуфузли компания президенти Но Бо Ким туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва туғуруқ хонасида бўлиб, дастур доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

– Юртингизда бўлиб, сизлар билан учрашишга доимо интиламан. Негаки, сизлар билан мулоқот мен учун жуда қадрли ва мароқли, – деди компания президенти туман марказий поликлиникаси жамоаси билан учрашув чоғида.

Жаноб Но Бо Ким туманимиздаги қишлоқ врачлик пунктлари мудирларига шифокор патронаж сумкаларини топширди. Компания президенти туман туғуруқхонасида ҳам бўлиб, оналарга янги туғилган чақалоқлар парвариши учун зарур гигиеник воситалар комплектини ҳадя этди.

– Биз болалар ва оналар саломатлиги учун ишлаймиз, – деди жаноб Но Бо Ким. – Она ва бола соғлиғи эл саломатлигидир. Ҳамкорлик дастури асосида туманингиздаги тиббиёт муассасаларига ёрдам кўрсатишни яна давом эттирамиз. Йил охиригача Қорасув, Роватак, Ким Пен Хва қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаймиз. Шунингдек, "Тиббий тез ёрдам" шохобчаларини зарур ускуналар билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз.

Жаноб Но Бо Ким туман марказий поликлиникасида ташкил этилиб, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган ўқув марказида "Бўлажак оналар мактаби" тингловчилари билан ҳам суҳбатда бўлди.

СУРАТДА: Но Бо Ким туман марказий поликлиникасида шифокорларга патронаж сумкаларини топширди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Элбек ЖАМОЛОВ олган сурат.

Миллий матбуот марказида барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясини амалга ошириш масалалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги янги адабиётларнинг тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАҚДИМОТДА ТАЛАБАЛАР

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор" ЭНК ҳамда "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирликлар, идоралар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилишда Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясини давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига босқичма-босқич киритиш, унинг туб мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш, экологик йўналишда махсус ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар ва бошқа ахборот маълумотларни тайёрлаш масаласи муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимиз мустақиллигининг 20-йиллигига бағишлаб нашр этилган "Ўзбекистон табиати" фото-альбоми, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун "Экология" ўқув қўлланмаси, "Иқлим ўзгариши болалар нигоҳида" ва "Иқлимтой билан мўъжизавий саёҳат" китобларининг тақдимот маросими ўтказилди.

Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

АМАЛИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши, фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институти вилоят минтақавий бўлими ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Иштирокчилар "Фуқаролар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" мавзусида маъруза тинглашди.

Шунингдек, жойларда "Мустақиллик – ёшлар нигоҳида", "Биз буюк зотлар фарзандларимиз", "Ёшлар – гиёҳвандликка қарши", "Миллий ғоя ва ёшлар", "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни", "Биздан обод ва озод Ватан қолсин", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" каби мавзуларда ҳам амалий учрашувлар ўтказилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАҲАЛЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Паркент тумани Номданак қишлоғи "Чинорли" маҳалласининг Увайсий ҳамда "Юқори" маҳалласининг Фарҳод кўчалари қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилди. 27 та кам таъминланган оилаларга бир ярим миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

СУРАТДА: қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жумадилла Шертоев Паркент йўл қурилиш бошқармаси ишчилари билан таъмирлаш ишлари сифатини кўздан кечирмоқда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

БАХТИ БЕКАМ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ

Инсон қўли гул дейдилар. Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғида умргузаронлик қилаётган 21 мингдан зиёд аҳолининг аксарияти заҳматкаш, интилувчан кишилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркин Фозилов билан суҳбатлашсангиз, шўралисойликларнинг эзгу ишлари, орзу-ниятлари ҳақида тўлқинланиб гапиради.

– Мустақиллигимизга кўз тегмасин, ота-боболаримизнинг дилларида қолиб кетган орзу-ниятларни амалга оширишимизга мустақиллигимиз боис эришяпмиз, – дейди оқсоқол. – Ўтган йигирма йил ичида таълим-тарбия, ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилаяпти. Қишлоғимизда 5 та янги мактаб қурилди. 4 та поликлиникада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Қишлоқ фуқароларининг 70 фарзанди турли олий ўқув даргоҳларида таълим олмоқда. 94 фермер мўлкўлчилик яратиш иштиёқида тинмай изланмоқда.

Қишлоқнинг "Шўралисой" маҳалласи аҳолиси юрт ободончилиги йўлида, айниқса, жонбозлик кўрсатмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Иззатиллаевнинг саъй-ҳаракатлари эътиборга лойиқ. Унинг маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилаётганига беш йилдан ошди. Ўтган йиллар давомида маҳалладошларнинг кўплаб савобли ишларига бош-қош бўлди. Иккита стадион, иккита спорт зали ишлаб турибди. Маҳалланинг футбол жамоаси туман биринчилигида ғолиб бўлди. Абдулазиз Одилжонов эркин кураш бўйича республика чемпионлигини қўлга киритди. Маҳаллада янги педагогика коллежининг иш бошлагани ҳам нур устига нур бўлди.

Дарвоқе, қишлоқ врачлик пункти ҳам янги бинога кўчиб ўтди. Малакали шифокор Дмитрий Югай ўз вазифасини аъло даражада ўтамоқда. Бу муассаса ҳар куни 100 беморга хизмат кўрсатмоқда. Темирчи кўчасида истиқомат қиладиган Зариповлар оиласини бу ерда кўпчилик танийди. Бу ўқитувчилар сулоласи қишлоқ фуқаролар йиғини таклифи бўйича болаларга таълим-тарбия бериш ва чет тилларини пухта ўргатиш мақсадида 30 ўринли мактабгача таълим муассасасини қурмоқда.

Хуллас, Шўралисойга бир келиб, унинг каттаю кичик одамлари билан суҳбатлашсангиз, дилингиз яйрайди. Амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўзига яраша ўрни бор. Уни эгаллаш йўли фақат меҳнат орқали ўтади. Билимларни қунт билан эгаллаб, ҳаётий тажрибани сабот билан орттириб бориб, давр билан ҳамқадам яшаган инсон борки, бунга эришади.

ЯШАШДАН МАҚСАД

Оҳангаронлик Шавкат Комилов бу ҳақиқатни жуда барвақт идрок этди. Бу унга яшашдан мақсадни аниқлаб олиш ва унга етишиш учун сабр-қаноат билан изланиш имконини яратди. Йигирма ёшга тўлиб-тўлмаган йигит мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий янгиланишлар яқинлашиб келаётганлигини идрок этиб, уни амалга оширувчилар сафига ҳеч иккиланмай кирди, ўз билими, иқтидори, кучғайратини миллий мустақилликни мустаҳкамлашга бағишлади.

– Бу шунчаки ҳавойи мақсад эмас эди, – дейди бугун Шавкат Эсонович дастлабки қадамларини эслаб. – Ёш суверен давлатимиз истиқболи учун майдонларда маъносини ўзи ҳам англамаган шиорларни кўтариб олиб бақириб юрувчи ҳайбаракаллачилар эмас, белни маҳкам боғлаб, мустақил тараққиёт суръатлари юксалишига амалда ҳисса қўшувчи навқирон кучлар керак эди. Шу боис мен ўзимни меҳнатга урдим. 1992 йили оилавий фермер хўжалигимизни ташкил этдим.

Ёш йигит тадбиркорлик ҳаракатининг олдинги сафида борди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга ҳисса қўшишни асосий мақсад қилиб олди.

"Навбаҳор" маҳалласида 1995 йили "Doctor Hoji" хусусий даволаниш масканини ташкил этди. Унда икки олий тоифали шифокор, икки ҳамшира, доришунос – олти малакали мутахассис беморларга тиббий хизмат кўрсата бошлашди.

Айни ўша кезлари Шавкат Комилов "Гули-Лола" хусусий кичик корхонасини ҳам барпо этди. Тўрт ходим иш бошлади. Корхона аҳолига савдо хизмати кўрсатиш билан шуғулланди. У кенгайиб бориб, ҳозир 126 киши ишлайдиган йирик савдо ва умумий овқатланиш корхонасига айланди.

Изланувчан, ташаббускор тадбиркор эса янги-янги бизнес режалар ишлаб чиқиб, уларни дадил амалга оширишга киришяпти. Чунончи, ўтган йили "Қурувчи" мажмуасини барпо этиб, қурилиш материаллари билан савдо қила бошлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса Тошкент – Ўш автомагистрали бўйида замонавий супермаркет қурилишини бошлаб юборди. Шу кунларда 20 қурувчи уни тиклаяпти.

– Шавкат Эсонович очиққўнгил, бағри кенг инсон, – дейди маҳалла оқсоқоли Холжўра Раҳмонов мамнуният билан. – Ҳар йили иш ўринларини кенгайтириб, ёшларни доимий меҳнатга жалб қилаяпти. Супермаркет ишга тушгач, яна 100 йигит-қиз ишли бўлади.

Бугина эмас. Саховатпеша тадбиркор марказий шифохонанинг туғуруқ бўлимидаги учта хонага замонавий мебеллар, гилам ва дарпардалар олиб берди. Унинг саъй-ҳаракати билан "Илоқ" маҳалласида учта спорт майдончаси, "Наврўз" боғи ташкил этилди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик Шавкат Комиловнинг асосий мақсадига айланди. Эл эътирофи, партиядошларнинг ишончи у 20-Оҳангарон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгашига сайланишида муҳим ўрин тутди. Дастлабки сессияда регламент ва депутатлик одоби доимий комиссияси аъзолигига сайланди. У ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳининг раҳбари сифатида ҳам фаол. Унинг жонкуярлиги туфайли Оҳангаронда Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг маҳаллий ташкилоти шаклланиб, бугун туманда ислоҳотларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтиришда етакчи сиёсий куч бўлиб қолди.

Ишчан одам тинч юра олмайди, ўзига янги-янги иш қидиради. Бу фазилат Шавкат Комиловга ҳам хос хусусият. У шаҳар кўчаларининг аҳволини ўрганиб чиқиб, партиядош депутатлар эътиборини уларни яхшилаб созлаш масаласига қаратди. Масала чуқур таҳлил қилингач, депутатлик гуруҳи тўпланган материалларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун шаҳар кенгаши раисига тақдим қилди. Шу кунларда масала халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрланаяпти.

– Туман кенгаши депутатлари фаолиятини таҳлил қилиб, Шавкат Эсонович тақдим этган хулоса ва тавсиялар қизғин фикр олишувга сабаб бўлди, – дейди туман кенгаши регламент ва депутатлик одоби доимий комиссиясининг раиси Нурали Абдурасулов. – Чунки у кишининг маърузасида танқид руҳи кучли эди. Комиссиямиз бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиб, сайловчилар ишончини оқламаётган, масъулиятни ҳис этмаётган айрим депутатларни чақириб олиш масаласини илгари сурди.

ЎзЛиДеПнинг депутатлик гуруҳи "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг изчил бажарилишида депутатларнинг ролини кучайтириш масаласи билан ҳам жиддий шуғулланяпти. Чунончи, сўнгги йиғилишда туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими, Ипотека, Қишлоқ қурилиши банклари туман бўлимлари раҳбарлари, барча доимий комиссияларнинг ҳисоботлари тингланиб, муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорда келгусида асосий эътибор қаратиладиган тармоқ ва соҳалардаги долзарб муаммоларни бартараф этишнинг амалий чоралари белгилаб берилди.

Ишчан тадбиркор, ижтимоий-сиёсий фаол депутат Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги тантанали нишонланаётган кунларда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди.

– Мустақиллик қадимий қадриятларимиздан бири бўлган тадбиркорликни ривожлантириш учун имкониятлар эшигини кенг очиб берди, – дейди Шавкат Комилов. – Юртимизда тадбиркорлик ривожлантирилиб, хусусий мулкка асос солинди. Тадбиркорлар чекка қишлоқ ва туманларда ҳам замонавий, барча архитектура ва замон талабларига жавоб берадиган кўп қаватли бинолар қуриб, юртимиз қўркига кўрк, атроф муҳит ободончилигига ҳисса қўшмоқда. Айниқса, тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари барпо этилиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши эвазига Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришилмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки яратувчилик, бунёдкорлик ва тараққиёт воситасидир. Юртимизда яратилаётган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқимизга хизмат қилиш эвазига даромад орттириб, хусусий мулк барпо этаётган тадбиркорлар сафида эканлигим билан фахрланаман. Қолаверса, камтарона хизматларим "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланганги кўнглимни ғурур-ифтихорга тўлдириб, тадбиркорликни янада ривожлантиришга, олиб бораётган бунёдкорлик ишларим қўламини кенгайтиришга руҳлантирмоқда.

Бу – жамият ва давлатимизда кечаётган туб янгиланиш жараёнлари фаол иштирокчисининг қалб сўзлари. Бу фикрлар ташаббускор тадбиркорнинг нуқтаи назари. Сўзи билан хатти-ҳаракати омухта Шавкат Комилов ўз режаларини босқичма-босқич амалга ошириб, ҳаётда ўз ўрнини топди, туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш йўлида собит курашчилардан бирига айланди.

Жабборали КАРИМОВ.
Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.

ХОТИРА АЗИЗ

УМРНИНГ ИБРАТЛИ ФАСЛЛАРИ

Умр сарҳисоби нозик масала. Бу оддий ҳақиқатни киши кексалик лаҳзларида тўлиқ ҳис этади, дейишади. Зеро, ҳар қандай инсон айнан шу ёшда беихтиёр умр дафтарини варақлайди, ҳар бир саҳифани ўзича таҳлил этади, хулоса чиқаради.

Албатта, ҳаёт йўлидаги яхши самаралар, зафарли одимлар кўнгилга таскин беради. Шу маънода умрини эл-юрт равнақига, юртдошлари хизматига бахшида этган инсонлар ҳаёти кўпчиликда ҳавас ва меҳр уйғотади, ўзгаларни ҳам шундай яшашга ундайди.

Шундай ибратли умр йўлини босиб ўтган шарқшунос олим, узоқ йиллар республикамиз маориф ва маданияти ривожи йўлида, жамоатчилик ишларида хизмат қилган Ўзбекхон Рустамов ҳақида шундай илиқ хотираларни эслашади. Айниқса, Ташқи ишлар вазирлигидаги дипломатик фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекхон 24 ёшида Ўрта Осиё дорилфунунининг шарқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатганда ёш мутахассисдаги илмий қизиқишнинг жиддийлигини кўрган институт раҳбарияти уни институтда олиб қолди. У шарқшунослик институти аспирантурасида илмий ишини ёқлашга киришди.

Орадан кўп ўтмай, тарихчи мутахассис Ташқи ишлар вазирлигининг эътиборига тушди. Ўттиз ёшида дастлаб ёзган ёрдамчиси, сўнг вазир ўринбосари сифатида иш юритди.

Маълумки, ўша пайтда Ўзбекистон, хусусан, Тошкент халқаро аҳамиятга молик воқеалар марказига айланганди. 60-йилларда Осиёдаги иккита йирик давлат Ҳиндистон ва Покистон ўртасида давом этган ҳарбий низога айнан Тошкентда барҳам берилди. 1966 йил 10 январдан бошлаб саккиз кун давом этган музокаралар бу икки давлат ўртасида дўстлик муносабатлари мустаҳкамланишига ёрдам берди. Ўзбекхон Рустамов бу ўта масъулиятли жараёнда фаол иштирок этди.

Аллома-мутафаккир Жомийнинг шундай сатрлари бор:

Баланд мансаб
тепасида ҳам
Илм оширмоқ фикрини
қил ҳар дам.
Мансаб билан
баландмас одам,
Мансаб одам билан
муҳтарам.

Ўзбекхон Рустамов қаерда, қайси лавозимда хизмат қилишидан қатъи назар, амалий фаолиятини илмий тадқиқотлар билан бирга олиб борди. Ўзбек, араб, форс, дари, инглиз, француз тилларида йилига тўрт марта чоп этиладиган кўп ададли "Совет Шарқи мусулмонлари" журналида минтақа мусулмонлари ҳаётининг турли жабҳалари мунтазам ёритиб борилишига ҳисса қўшди. Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда юз берган таҳсинга сазовор ижобий ўзгаришларга бутун кучғайратини, бой тажриба ва билимларини сарфлашга уринди.

Тарихчи олим ўз хотираларида шундай ёзган эди: "Инсон умри унинг неча йил яшагани, лавозими ёки қанча бойлик орттиргани билан ўлчанмайди, дейишади. Эл эътиборини қозонмоқ учун фавқулодда жасорат кўрсатиш, мўъжиза яратиш ҳам шарт эмас. Ҳаётини ҳалол меҳнатда ўтказган, касб-корини ҳурмат қилиб, шогирдлар етиштирган, фарзандларини оқил инсон қилиб вояга етказган, хуллас, ўзида халқимизга хос донишмандликни мужассам этган кишиларни одамлар ҳамиша миннатдор бўлиб эслашади..."

Дарҳақиқат шундай. Бахтиёрликни ҳар ким ўзича изоҳласа-да, умуминсоний мезонлар борки, умр мазмунини шулар безаб туради. Шу маънода Ў. Рустамов мазмунли, ҳавас қилгулик, авлодларга ибрат тариқасида сўзлашга арзигулик умр кўрди. Олтмиш йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида кўп илмий ишлар қилди, катта тажриба тўплаб, уни ёш авлодга ўргатиб келди. Эл-юрт равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳалол ва самарали меҳнатлари ҳукумат орден ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Муқаддас қўрғон саналмиш оила борасида ҳам бу инсоннинг умр йўли жуда мазмунли, бахтли кечди. Беш фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Муҳандис, шифокор, архитектор, тарихчи, сиёсатшунос фарзандлар ота-оналарининг бахти ва фахри бўла олишди.

Табиат каби инсон умрининг ҳам ўз фасллари бор. Ўзбекхон Рустамов ана шу фасларни серқирра, мазмунли ўтказа олди. Афсуски, ўлим ҳақ. 85 йил мазмунли умр кечирган бу фидойи инсон бугун орамизда йўқ. Аммо, бундайларнинг ҳаёт йўли, Ватанга, эл-юртга бўлган эътиқоди бугунги ёш авлод учун ўзига хос ибрат бўлиши шубҳасиз.

Рустам БОЙТЎРА.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

– "Чиноз Автотулпори" МЧЖга тегишли, "Vita Spring" ХК ҳовлисида сақланаётган: 1) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли, д/р 11AY019 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 26 804 787 сўм; 2) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли, д/р 11AY025 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 29 783 097 сўм; 3) "Мидибус М-29,12" русумли, д/р 11AQ150 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 17 871 478 сўм; 4) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AJ916 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 19 359 013 сўм; 5) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AJ904 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 19 359 013 сўм; 6) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10 273 AAA бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 23 899 950 сўм; 7) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AO338 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 5 515 388 сўм; 8) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AO349 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 5 515 388 сўм; 9) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 11AO356 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 3 676 926 сўм; 10) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10 119 BAA бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 23 900 016 сўм; 11) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10AO278 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 3 676 926 сўм; 12) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10AO357 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 20 233 089 сўм; 13) "Мидибус М-24,9" русумли, д/р 10AO339 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 5 515 514 сўм; 14) "DLQ-5047GJY" русумли, д/р 10 185BAA бўлган, 2009 йилда и/ч бензовоз. Бошланғич баҳоси – 14 224 762 сўм.

– "Чиноз Оқ Той" МЧЖга тегишли, Чиноз тумани, Чиноз қўрғонида сақланаётган: 15) "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AQ152 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 13 802 466 сўм; 16) "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AO277 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 9 466 711 сўм; 17) "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AO344 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 14 389 401 сўм; 18) "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AO160 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 5 515 388 сўм; 19) "Мидибус М-23,9" русумли, д/р 11AQ155 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 15 029 352 сўм; 20) "Исузу SAZ NP 21" русумли, д/р 11AV599 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 28 321 502 сўм; 21) "Тианча" русумли, "Кара CPC-20 TS2410415-208" 2008 йилда и/ч автопогрузчик. Бошланғич баҳоси – 14 544 241 сўм; 22) "Газ-33029" русумли, д/р ва и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 577 248 сўм; 23) "Матиз" русумли, д/р 11AF701 бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 267 223 сўм; 24) "Победа Газ-20" русумли, д/р 30R1956 бўлган, 1954 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 492 569 сўм; 25) "Матиз" русумли, д/р 11AI095 бўлган, 2001 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 621 216 сўм.

II. Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "Газ-5327" русумли, д/р 10A992AA бўлган, 1986 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2011 й. №7659. Бошланғич баҳоси – 2 490 000 сўм. 2) "Камаз-53212" русумли, д/р 10U524CA бўлган, 1991 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.07.2011 й. №7677. Бошланғич баҳоси – 12 886 194 сўм. 3) "Ваз-2109" русумли, д/р йўқ бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2011 й. №7662. Бошланғич баҳоси – 5 231 000 сўм. 4) "Москвич-412" русумли, д/р 10F897DA бўлган, 1982 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.08.2011 й. №7916. Бошланғич баҳоси – 1 028 000 сўм. 5) "Газ-3102" русумли, д/р 10Z934CA бўлган, 2001 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.08.2011 й. №7863. Бошланғич баҳоси – 6 948 000 сўм. 6) "Тико" русумли, д/р B908BHM бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2011 й. №7663. Бошланғич баҳоси – 6 971 000 сўм. 7) "Тико" русумли, д/р йўқ бўлган, 1997 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2011 й. №7661. Бошланғич баҳоси – 6 772 000 сўм. 8) "Тико" русумли, д/р номаълум бўлган, 1997 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2011 й. №7660. Бошланғич баҳоси – 6 916 000 сўм. 9) "УАЗ" русумли, д/р йўқ бўлган, 1997 йил и/ч., Бекобод темир йўл бекатлари омборида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.06.2011 й. №7250. Бошланғич баҳоси – 550 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан, Ўртачирчиқ т, Қорасув қ.ф.й., Тошкент йўли кўчасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "Газ-3102" русумли, д/р X288OVM бўлган, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.10.2010 й. №1942. Бошланғич баҳоси – 6 411 825 сўм. 2) "Форд Д" русумли, д/р 10K359BA бўлган, 1995 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.02.2011 й. №76. Бошланғич баҳоси – 4 069 974 сўм. 3) "Матиз" русумли, д/р 01/844HAA бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.10.2010 й. №1-653. Бошланғич баҳоси – 11 781 737 сўм.

IV. Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан "Арғин савдо" УКда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "Матиз" русумли, д/р 10 372 EAA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.06.2010 й. №5895. Бошланғич баҳоси – 10 202 000 сўм. 2) "Матиз" русумли, д/р 10 062 OAA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. ижро ҳужжати 09.03.2011 й. №5895. Бошланғич баҳоси – 10 790 115 сўм. 3) "ВАЗ-2101" русумли, д/р йўқ бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й. №1-109/2011. Бошланғич баҳоси – 2 296 025 сўм. 4) "ВАЗ-2106" русумли, д/р 30N0833 бўлган, 1987 йилда и/ч, Қибрай т. ИИБ ЙПХ жарима майдонида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.12.2010 й. №2007. Бошланғич баҳоси – 3 315 454 сўм. 5) "ВАЗ-2107" русумли, д/р 30V7427 бўлган, 1996 йилда и/ч, Қибрай т. ИИБда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.11.2010й №9683. Бошланғич баҳоси – 5 958 129 сўм. 6) "ДЭУ Матиз" русумли, д/р 10G713AA бўлган, 2007 йилда и/ч., Тошкент ш., Чилонзор т., 1-пр. Хива кўчаси, 38-уйда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.05.2010 й. №4343. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.

V. Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "Камаз-5320" русумли, д/р 11Z9600 бўлган, 1984 йилда и/ч, Пискент т., Бунёдкор МЧЖда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.12.2009 й. №178/09. Бошланғич баҳоси – 5 482 438 сўм. 2) "Тико" русумли, д/р 10225OAA бўлган, 1998 йилда и/ч., Пискент тумани жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.11.2010 й. №3861/10. Бошланғич баҳоси – 5 597 221 сўм.

VI. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан, Оққўрғон т. ИИБ АМТФКМНБ жарима майдонида сақланаётган, "Т-28, Х-4" русумли д/р йўқ, и/ч йили номаълум трактор қўйилмоқда, ижро ҳужжати 26.10.2005 й. Бошланғич баҳоси – 3 075 600 сўм.

VII. Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан, 28.03.2011 йилдаги 1561-сонли ижро ҳужжатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "Матиз" русумли, д/р 10M612CA бўлган, 2001 йилда и/ч, ЖИБ Оҳангарон т. судида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 000 000 сўм. 2) "Ваз-21074-110-30" русумли, д/р 10J536CA бўлган, 2008 йилда и/ч, "Қишлоққурилишбанк" Оҳангарон ф-лида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 000 000 сўм. 3) "ТЦ" русумли, д/р 11E424 бўлган, 1998 йилда и/ч, Оҳангарон ш., саноат ҳудуди "Олтин фаввора" МЧЖ биносида сақланаётган ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм. 4) "Камаз-5410" русумли, д/р 10N879BA бўлган, 1989 йилда и/ч, Оҳангарон ш., саноат ҳудуди "Олтин фаввора" МЧЖ биносида сақланаётган ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм.

VIII. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл т., "Савдо барака файз" МЧЖда сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 01L402DA бўлган, 2010 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.09.2011 й. №23903/1. Бошланғич баҳоси – 19 337 638 сўм.

IX. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан, Зангиота т., "Бурҳон савдо" МЧЖда сақланаётган, "Ваз-2101" русумли д/р 10Y3505 бўлган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.07.2011 й. №18712. Бошланғич баҳоси – 2 128 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 11 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

X. Шунингдек, 2011 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига такроран, Пискент тумани СИБ томонидан "Ваз-2106" русумли, д/р 11Z3035 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.07.2010 й. №107. Бошланғич баҳоси – 3 366 006 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Частная фирма "BUNYODKOR-OLMALIQ", зарегистрированное 30 марта 2004 году за № 1158 г. Алмалыка Ташкентской области (ИНН 204979632) преобразуется в общество с ограниченной ответственностью "BUNYODKOR-OLMALIQ". Претензии принимаются в течение 30 дней с момента опубликования данного объявления по адресу: Ташкентская область, г. Алмалык, ул. Примкулова, д. 10-А, кв. 64 или по тел.: (+99897) 475-11-65.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 01.03.2011 йилда 01-07801 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 600884284) Набиев Алишер Камалитдиновичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамга йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.05.2008 йилда № 002168-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "NAZAR MAKS" (ИНН 300828985) масъулияти чекланган жамиятининг номи "CHOCO EXCLUSIVE" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан 11.12.1997 йилда рўйхат рақами 01-002594 бўлган "SHUHRAT TA`MIR" хусусий фирмасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёти университети томонидан 2011 йил 7 июнда Абдуллаева Хабиба Набибулло қизи номига берилган В 547362 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "SHI SHON" (ИНН 301593117, ОКПО 23213359), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Катартал, д. 38, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 3 от 09.09.2011 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 346-95-30.

XXI аср ва ДУНЁ

ГУМОНДОРЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Ҳиндистон миллий тергов агентлиги Нью-Делидаги Олий суд биноси қаршисида содир этилган қўпорувчиликда иштирок этганликда гумон қилинаётган уч киши ҳибсга олинганини эълон қилди.

The Times of India нашри шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, сепаратизм ва исломизм қайфиятлари кучли бўлган Жамму ва Кашмир штатларида ушланган гумондорлар орасида интернет-кафе эгаси ҳам бўлиб, тахмин қилинаётган қўпорувчилар телевидениега шу ердан электрон хат жўнатишган. Илгари хабар қилинганидек, Нью-Делидаги портлаш учун масъулиятни "Ислом жиҳод ҳаракати" террорчилик ташкилоти ўз зиммасига олишини шу хат орқали маълум қилган.

Ҳинд мутахассислари тергов олиб бораётган ўша машъум портлаш 12 кишининг умрига зомин бўлди, қирқдан зиёд одам жароҳатланди.

Ҳиндистондаги қўпорувчилик ҳаракатларининг аксарияти Кашмир ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишини истаётган экстремистлар томонидан содир этилмоқда. Бу минтақа аҳолисининг ярмидан кўпи мусулмонлар. Улар "кўп худоли" ҳиндулар ҳукуматини тан олишмайди.

ҲИНДУЛАР АЖДОДЛАРИ ЕРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШЯПТИ

Жанубий Американинг гуаран ҳиндулари Royal Dutch Shell англо-голланд нефть компанияси аждодларига қарашли ерларда ишлашни тўхтатишларини талаб қилмоқдалар.

Survival International миллий қабилаларни ҳимоялаш ҳаракатининг сайтида шу ҳақда хабар берилди.

Shell 2011 йил февралда Бразилиянинг Cosan компанияси билан ҳамкорликда биоёнилғи (этанол) ишлаб чиқарадиган Raizen қўшма корхонасини ташкил этди. Бу корхона жумладан, гуаранлар ерида етиштириладиган шакарқамишдан ҳам этанол тайёрлайди.

Хиндулар шакарқамиш далаларида ишлатилаётган кимёвий моддалар одамлар ва чорва моллари соғлиғига зарар етказаётгани, балиқ ҳамда шифобахш ўсимликларни заҳарлаётганидан шикоят қилдилар. Шунингдек, гуаранлар на Shell, на Cosan ва на Бразилия маъмурлари шакарқамиш етиштириш учун уларнинг ерларидан фойдаланиш хусусида илтимос билан мурожаат қилмаганларини таъкидлашди.

Raizen эса, хиндуларнинг айбловларини рад этгани ҳақида AFP агентлиги маълумот берди. Компаниядагилар гуаранлар билан тил топишишни ваъда қилиб, бу мавзуда музокаралар олиб борилаётганини айтишди.

МЕКСИКА КЎРФАЗИДА КУЧЛИ ПЎРТАНА

Associated Press тарқатган хабарга кўра, Мексика кўрфазининг жанубида "Нейт" тропик пўртанаси вужудга келди. У бир неча кундан кейин АҚШ соҳиллари томон йўл олиши мумкин.

CNNнинг таъкидлашича, "Нейт" 2011 йилда Атлантика уммонида юзага келган иккинчи пўртана. Август ойининг охирларида АҚШнинг шарқий соҳилларига ёпирилган "Ирэн" довули 44 кишининг ҳаётига зомин бўлган эди. Ўнта штат, жумладан Нью-Йорк ҳокимлиги табиий офат зонасидан 300 минг кишини хавфсиз ҳудудга кўчирди. Соҳилдаги туманларда бир неча кунга темир йўл ҳаракати тўхтатилди, аэропортлар ёпиб қўйилди. "Ирэн" етказган моддий зарар тахминан 10 миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Сентябрнинг бошларида Америкага яна битта довул – "Катя" яқинлашди. Миллий довул марказининг маълумотларига қараганда, у АҚШ соҳиллари билан Бермуд ороллари оралиғидан ўтади ва Атлантика уммонига йўл олади. Шунга қарамай, Флориданинг соҳил туманлари ҳамда Кариб денгизи ороллари кучли хатар эълон қилинди. Чунки, довул соҳилларга 2 метр баландликдаги сув тўлқинларини олиб келиши мумкин.

ҚЎПОРУВЧИ ТАРМОҚ ФОШ ЭТИЛДИ

Кейинги ойларда Иерусалим ва Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида қўпорувчилик содир этишни режалаштирган ўнлаб ХАМАС фаоллари ушланди.

The Jerusalem Post хабарига кўра, бу ҳақда Исроил хавфсизлик хизмати вакиллари сўзлаб беришган. Фош этилган қўпорувчилик тармоғи жами 13 та гуруҳдан иборат бўлган. ХАМАС фаоллари, жумладан, ЦАХАЛ базасига хужум қилиш ва савдо маркази ёки автобусда портлаш содир этишни режалаштиришган. Бу 21 август куни юз бериши керак эди. Ўша куни Исроил ҳарбийлари Иерусалимдан чиқиш йўлларини тўсиб қўйиб, иккита портловчи қурилмани топиб, ХАМАС портлатувчиси Хасин Кусама ҳамда Ажак Арфа ташкилоти фаолини қўлга олдилар.

Бундан ташқари, Исроил хавфсизлик хизмати иорданиялик Имон Аладамни ҳам ҳибсга олди. У ХАМАСнинг Сурия даги штаб-квартираси хизматчиси бўлиб, Иордан дарёси Ғарбий қирғоғига қўпорувчиларни ўқитиш ва пул бериш учун келган.

Қўпорувчилик содир этгани учун жазо муддатини ўтаётган Забар Диаб яна бир гуруҳни турмада ташкил этган. Бу гуруҳ Исроил аскарини аср олиб, фаластинлик маҳбусларни озод этишларини талаб қилишни режалаштирган.

The Guardian Лондон ҳокими Борис Жонсоннинг баёнотига таяниб ёзишича, мамлакат шаҳарларидаги тартибсизликлар чоғида хавфсизликни таъминлаш полиция учун 124 миллион фунт (140 миллион евро)га тушди.

АНГЛИЯДА КЎЧА ТАРТИБСИЗЛИГИ

Нашр тарқатган маълумотларга кўра, бу маблағнинг асосий қисми полициянинг қўшимча нарядларини Англия шаҳарларига сафарбар этишга сарфланган. Ўрйиқитчилар етказган зарарларни обдон синчковлик билан ҳисоблаб чиқиш керак бўлади ҳали. Масалан, Жонсоннинг гапига қараганда, Лондон полициясининг зарарни қоплаш ҳақида 100 дан зиёд жабрланувчидан умумий 9,3 миллион фунтлик ариза қабул қилган. Ҳоким бу сумма кескин ошиб бориши мумкинлигини таъкидлади.

Англия шаҳарларидаги қирғинбарот 7 август куни Лондонда бошланиб, кейин бошқа шаҳарларга ҳам ўтди. Бунга Лондон полициясининг маҳаллий фуқаро Марк Даггани ўлдиргани сабаб бўлиб, тўсатдан талон-торож қилинди, кўплаб уй ва машиналар ёқиб юборилди. Лондонда икки, Бирмингемда уч киши қурбон бўлди, юзлаб кишилар жароҳатланди.

МАҚСАД – ҚОЧОҚЛАРНИ МАМЛАКАТГА КИРИТМАСЛИК

Агар Еврокомиссиянинг ташаббусини Европарламент маъқулласа, у Шенген битими иштирокчиларининг Европа Иттифоқи ичидаги чегараларда назорат ўрнатишни жорий этиш тўғрисидаги қарорига вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

The Guardianнинг ёзишича, бу Брюсселни мураккаб вазиятда қолдиради. Чунки, Германия, Франция ва Италиянинг агар Африка мамлакатларида иммигрантлар оқими кучайиб кетса, чегара назоратини ҳам кучайтиришга оид саъй-ҳаракатлари зиддиятга дуч келиши мумкин.

The Guardianнинг таъкидлашига қараганда, Еврокомиссиянинг таклифи Европарламентда кўпчилик овозини олиши мумкин. Негаки, Германия, Франция, Италия ва Даниядан бошқа давлатлар ҳар қандай чеклашларга қарши.

Шенген битимига мувофиқ, фавқулодда вазиятлар юзага келганда хавфсизликни таъминлаш мақсадида аъзо мамлакатлар чегараларни беркитиш ҳуқуқига эга. Шенген зонаси амал қилаётганидан буён 26 марта шундай ҳолат юз берди. Охирги марта Андерс Брейвик Утойя оролида қирғинбарот уюштирган пайтда Норвегия Швеция билан чегарани 18 соатга ёпиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

КАНОЭ

МЕНЬКОВНИ ДУНЁ ТАН ОЛДИ

Халқаро каноэ федерацияси (ICF) каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньковни кетма-кет учинчи маротаба жаҳоннинг "Энг яхши каноэчиси", деб эълон қилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозониб, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Ана шундай спортчиларимиздан Вадим Меньков жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинларида кўп маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган.

Моҳир спортчимиз учун бу йилги спорт мавсуми ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Вадим май ойида жаҳон кубогининг Польшада ўтган биринчи босқичида олтин ва кумуш, Чехиядаги иккинчи босқич мусобақаларида кумуш медалга сазовор бўлди. Август ойида Венгриянинг Сегед шаҳридаги жаҳон чемпионатида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича бронза медаль ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Халқаро каноэ федерацияси (ICF) ҳамюртимизнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштироки ва кўрсатган юқори натижаларини ҳисобга олиб, уни кетма-кет учинчи марта дунёнинг "Энг яхши каноэчиси" деб эътироф этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Бельгиянинг Гент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг учинчи босқичи бўлиб ўтди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпионати ва Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори Антон Фокин брусда машқ бажариш бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар мусобақасида қатнашган истеъдодли ёш гимнастакачимиз Луиза Галиулина хода устида машқ бажариш бўйича кучли учликдан жой олиб, терма жамоамиз ҳисобига иккинчи бронза медални қўшди.

ЎзА.

ДЗЮДО

Андрей Штурбабин –

ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙИ

Франция пойтахти Париждан қўш хушхабар келди. Бу ерда бўлиб ўтган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида Андрей Штурбабин раҳбарлигидаги Ўзбекистон полвонлари муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритдилар. Шу билан бирга ушбу чемпионат якуни бўйича Андрей Штурбабин жаҳоннинг энг яхши дзюдо мураббийи деб эътироф этилди. Яқинда эса, у республика Президенти Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони билан тақдирланди.

Бу юқори малакали мураббий билан Париждаги жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори Наврўз Жўрақобилов бизнинг вилоятимиз вакиллари эканлиги, айниқса, қувончлидир.

1981 йилда Чирчиқдаги "Кимёгар" спорт клубида дзюдо билан шуғуллана бошлаган Андрей Анатольевич йилдан йилга маҳоратини ошира бориб, Ўзбекистоннинг саккиз карра чемпиони, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби ва совриндори бўлди. 1996 йилда "Кимёгар" клубида мураббийлик фаолиятини бошлаб, 2002 йилдан вилоят маданият ва спорт ишлари боршқармасининг болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби дзюдо бўлимининг катта мураббийи вазифасида ишламоқда. 2007 йилдан буён у Ўзбекистон миллий дзюдо терма жамоасининг катта мураббийи. Ўтган йиллар давомида кўплаб юқори маҳоратли курашчиларни тарбиялаб етиштирди.

А. Штурбабининг энг маҳоратли шогирдларидан бўлган Наврўз Жўрақобилов 1998 йилдан буён дзюдо билан шуғулланади. Тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, 2010 йилги Осиё ўйинлари бронза медали совриндори ва Жаҳон кубоги мусобақалари ҳамда Бокудаги халқаро Гран-при турнири ғолиби. Буларга Париждаги жаҳон чемпионатида эришган муваффақияти ҳам қўшилиб, у 2012 йилда Лондонда бўладиган Олимпия ўйинларига йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Наврўз Жўрақобилов бир вақтнинг ўзида болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби спортчиси ҳамда мураббийидир.

– Парижда бронза медалини қўлга киритишимда устозим Андрей Анатольевичнинг хизматлари катта бўлди, – дейди Н. Жўрақобилов. – Мен Лондонда 2012 йилда бўладиган Олимпия ўйинларида устозим ва бутун ўзбекистонлик кураш мухлислари ишончини ёруғ юз билан оқлаш учун бор маҳоратимни ишга соламан.

Самад ЙЎЛДОШ.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

БУЮК АЖДОДЛАР ҚАДАМИ

етган Кумушкон бугун серқуёш ўлкамизнинг энг гўзал, мафтункор гўшасига айланган

Паркент туманининг қадимий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари ҳақида кўп ва хўб ёзилган, ёзиляпти, кейин ҳам ёзилажак. Зеро, бу жуда зарур, ҳаммани бирдек қизиқтирадиган мавзу. Бу мавзу худди биз яшаб турган кўҳна замин каби битмас-туганмас, чек-чегарасиз сирли ва ҳайратомуз даражада ажабтовурдир.

Дейдиларки, тарих – у ёки бу инсон унга қалбан мурожаат қилган жойдан бошланади. Тарих – асрлар тенгдоши бўлган чинорлар танасини шамол ялаб таратаётган маҳзун куйни эшита оладиган, йўл четида гўё кўҳна хотиротлар соқчисидек тек қотган тошдаги ўтмиш қиёфасини қалб кўзи билан кўра оладиган кишилар қаршисида ажойиб ҳаёт китоби бўлиб гавдаланади. Ҳамма нарса яшайди, нафас оладди ва ҳаёт аталмиш неъматнинг тинимсиз юрак дукурини замонлардан замонларга элтади. Буни ҳис этиш, эшитиш қанчалар муҳим!

... Кумушкон дам олиш зонаси бир неча ўн йилликлардан буён гўзал юртимизнинг энг хушманзара мавоси сифатида барчани мафтун этиб келмоқда. Аслида у фақат табиат ёдгорлиги эмас. Бу ердаги қадимий кумуш кони Ўрта асрлардаёқ машҳур бўлиб кетган эди. Паркент туманининг ушбу шарқий қисми ўтган асрда геологик тадқиқотлар объекти бўлган. Ҳозирги академик, маҳоратли археолог, биринчи ўзбек археологи Яҳё Ғуломовнинг шогирди Ўткир Исломов шу ерда ишлаган. Кумушкон конида жуда кўп ер ости йўллари бўлган. Қазиб олинган руда таркиби кумушга бой эди. Шу боис бу жойлардаги булоқларнинг суви тотли ва майин.

Қачонлардир, жуда қадимда одамлар тош сўқмоқ бўйлаб юқорига, ривоят қилишларича, Дулдул ота муқаддас қадамжосига кўтарилишган. Халқ бу жойни турлича атайди: "Ҳазрат Али", "Ҳизр бува", "Дулдул ота".

Ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, бу жойларга Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдоши Ҳазрат Алининг қадами етган. Унинг ташрифидан бироз аввал Қизилсой яқинидаги кенг ялангликда пайғамбар тарафдорлари билан унинг душманлари ўртасида жанг бўлиб ўтган. Қирғинбарот уруш узоқ давом этган. Ҳаддан зиёд толиққан ҳар икки томон тинчлик сулҳини тузиш йўлларини излашга тушган. Айнан шу мақсадда Ҳазрат Али бу ерга юборилган. У ўзининг машҳур Дулдул лақабли отида ташриф буюрган.

Шу тариқа уруш тугади. Тўрт томонга жар солиниб, бундан буён барча қабилалар ўзаро тинчтотув ва биродарликда яшаши эълон қилинди. Шундан сўнг боғлар қайта гуллаб-яшнади, ғаллазорлар олтин бошоқларга тўлибтошди. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт ғолиб чиқди. Ушбу воқеадан ёдгорлик бўлиб ҳайбатли чинор қолди. У Ҳазрат Али ҳассасини суқиб қолдирган жойда ўсиб чиқди. Афсонавий Дулдулнинг туёғи ўрнида эса, булоқ кўз очди.

Бир пайтлар Ер фарзандлари юзма-юз келган бу жойда ҳамон кўплаб улкан тошлар ястаниб ётибди. Ва яна шу ердан оқиб ўтувчи сойнинг суви қизил – қон рангига бўялди. Шу боис халқ уни Қизилсой деб атай бошлади. Аммо, Қизилсойнинг маъносини "қизил – чиройли" дея тушуниш ҳам мумкин, яъни ҳаёт сойи. Зеро, қирғинбарот урушлар ўтади, унут бўлади, ҳаёт эса, ҳамиша ғолиб бўлиб, давом этаверади.

Бугун муқаддас қадамжо "Мачитали бува" номини олган. Бу ном мазмунига Алининг мачити деган маъно сингдирилган. Шунингдек, илоҳий ий, илоҳий жой деган маънолар ҳам англашиладики, бугунги кунда бу муқаддас қадамжо ҳар жиҳатдан мафтункор масканга айланган. Каттагина ҳудуд жуда файзли қиёфага эга. Бир бутун меъморчилик иншоотлари қад ростлаган, зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Бу жойни кузатувчи-қўриқловчилар, яъни тўрт авлод вакиллари муқаддас қадамжоса хизмат қилиш ҳуқуқи ва шарафини қиёси йўқ эстафетадек қўлдан қўлга ўтказиб келмоқдалар. Бу ерга биринчи бўлиб бундан уч аср илгари Эшбой ота келган. Кейинчалик, унинг ўрнини ўғли Исмат, сўнгра набираси Саримсоқ эгаллашди. Ҳозир Саримсоқ бобо 83 ёшда. Энди эса, бу ерда унинг ўғли хизмат қилаяпти.

Ҳа, ҳаёт давом этаяпти. Ҳамма нарса одамлардан одамларга қолаяпти. Гўё муқаддас жой ҳамда қадимий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, Ер юзида меҳр-муҳаббатни юксакларга кўтариб яшаш ва яратиш ҳақидаги васиятдек. Аслида, Ер ҳам биз, одамларга васият қилинган. Худди Табиатнинг юраги мангу урриб турган ягона умумий уйдек.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

КЎРГАЗМА

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Аргентина, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Исроил, Италия, Эрон, Канада, Хитой, Россия, АҚШ, Франция каби давлатлар фоторассомлари ва фотоҳаваскорларининг 300 га яқин фотолавҳалари намойиш этилмоқда.

Улар суратга туширган лавҳаларда кўриниб турганидек, юртимиз халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўринга эга эканлиги, илм-фан ва маданиятга бой салоҳияти эътироф этилаётгани бежиз эмас. Хорижлик муаллифлар юртимизда қайта тикланаётган ва таъмир этилаётган қадимий меъморчилик ёдгорликлари уларни илҳомлантирганини таъкидлашди. Экспозицияга қўйилган фотосуратларда Ўзбекистоннинг қадимий ва янги тарихини, кундалик турмушимизда одат бўлиб қолган нарса ва ҳодисаларни, ҳаётда одатий ишлари билан машғул бўлган ҳунармандлар, тадбиркорлар, мактаб ўқувчиларининг завқ билан қайд қилинган тасвирларини кўрамиз. Катта тажрибага эга бўлган фотожурналист Владислав Фляркованнинг (Россия) кўргазмага қўйилган суратларида юртимизнинг қадимий шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, Тошкентнинг бугунги куни акс этган. Лиза Хорватнинг (Канада) мамлакатимизда яратган портрет асарлари бош қаҳрамони ёши улуғ нуронийлардир.

Кавех Боғдодчи (Эрон) юртимиз бўйлаб қилган саёҳатлари давомида ишлаган фотосуратлари тўғрисида "Бу суратлар Ўзбекистонда ўтказган бахтли кунларимдан эсдалик, унинг одамлари ҳамиша қалбимда сақланади", дея таъкидлайди.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Сесил Хуберт хоним (Бельгия) давлат органларида ишлаган. 2010 йил декабридан Тошкентда. У биз билан суҳбатда тарихчи эканлигини, Бельгияда унинг бир неча марта фотокўргазмалари намойиш этилганини айтиб, "Мен фотоҳаваскорман" дея қўшиб қўйди. Унинг бу кўргазмада "Газалкент", "Тоғлар", "Нурота" каби қатор фотолари қўйилган. "Ўзбек маҳалласи кишиларининг муомала маданияти, ўзбек халқининг бағри кенглиги, турли маданиятлар ва турли миллатларнинг уйғунликда яшаши ва меҳнат қилишлари мени мафтун этди" деди у суҳбатимиз якунида.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 22.02.2010 йилда № 005149 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган "AGRO MAX BUSINESS" (ИНН 301510986) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Зангиота туман ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SARCO DISTRIBUTION" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "HULKAR YSD" Шайхантахурского района г. Ташкента (ИНН 205718608) сообщает об уменьшении уставного фонда с 23 301 906 сумов до 9 875 000 сумов. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Кох-ота-1, д. 51.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TABIAT SERVIS" шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "TABIAT SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши муносабати билан даъволар 343-03-21 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 05.08.2010 йилда № 0511432 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 463112781) Абдурахманов Ғафурджан Маҳкамовича тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 6919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345